



## TOPONYM LINGUISTICS IN FICTION

**Marufjon Yuldashev**

*doctor of philological sciences, professor*

*State Institute of Art and Culture of Uzbekistan*

*Tashkent, Uzbekistan*

**Malakhat Alimovna Koshnazarova**

*independent researcher*

*State Institute of Art and Culture of Uzbekistan*

*Tashkent, Uzbekistan*

**Zukhra Yuldasheva**

*Researcher*

*Academy of Sciences of Uzbekistan Institute of Uzbek language, literature and folklore*

*Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Tolepbergen Kaipbergenov, Karakalpokhnama, toponym, mythoponym, topopoetonym, intertextuality.

**Received:** 20.10.23

**Accepted:** 22.10.23

**Published:** 24.10.23

**Abstract:** In the literary text, toponyms have a special lingupoetic significance. Such units are often used in the works of Tolapbergen Kaipbergenov. During his more than half a century of writing career, Tolepbergen Kaipbergenov has gone through a long and intense creative path. In his works, he glorified the history, modernity, national values and traditions of the Karakalpak people with great skill. The article expresses an opinion about the appropriation of some toponyms used in the writer's work "Karakalpokhnama". Based on examples, the meaning of toponyms in this work is shown from the point of view of linguopoetics and linguculturology.

## БАДИЙ МАТНДА ТОПОНИМЛАР ЛИНГВОПОЭТИКАСИ

**Маъруфжон Юлдашев**

*филология фанлари доктори, профессор*

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти*

*Тошкент, Ўзбекистон*

**Малоҳат Алимовна Қўшиназарова**

*мустақил тадқиқотчи*

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти*

Тошкент, Ўзбекистон

**Зухра Юлдашева**

Илмий ходим

ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Тошкент, Ўзбекистон

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:**

Тўлепберген  
Қаипбергенов, Қорақалпоқнома, топоним,  
мифотопоним, топопоэтоним,  
интертекстуаллик.

**Аннотация:**

Бадий матнда топонимларнинг алоҳида лингвопоэтик аҳамияти бор. Тўлапберган Қаипберганов асарларида бундай бирликлар кўп қўлланилган. Тўлепберген Қаипбергенов ўзининг ярим асрдан зиёд давом этган ёзувчилик фаолияти давомида катта ва сермазмун ижод йўлини босиб ўтди. Ўз асарларида қорақалпоқ халқининг тарихи, бугунги ҳаёти, миллий қадрият ва анъаналарини юксак маҳорат билан тараннум этди. Мақолада адибнинг “Қорақалпоқнома” асарида қўлланилган айrim топонимларнинг берилиши ҳақида фикр билдирилган. Мазкур асардаги жой номларининг лингвопоэтик ва лингвомаданиятшунослик жиҳатидан муҳим аҳамият касб этиши мисоллар асосида кўрсатиб берилган.

### ЛИНГВИСТИКА ТОПОНИМОВ В ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

**Маруфжон Юлдашев**

доктор филологических наук, профессор

Государственный институт искусства и культуры Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

**Малахат Алимовна Коиназарова**

независимый исследователь

Государственный институт искусства и культуры Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

**Зухра Юлдашева**

Исследователь

Институт узбекского языка, литературы и фольклора Академии наук Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:**

Толепберген  
Кайпбергенов, Каракалпохнома, топоним,  
мифопоним, топопоэтоним,  
интертекстуальность.

**Аннотация:** В художественном тексте

топонимы имеют особое  
лингвопоэтическое значение. Такие  
единицы часто используются в работах  
Толапбергана Каипберганова. За свою  
более чем полувековую писательскую  
карьеру Толепберген Кайпбергенов прошёл

долгий и насыщенный творческий путь. В своих произведениях он с большим мастерством воспевал историю, современность, национальные ценности и традиции каракалпакского народа. В статье высказывается мнение о присвоении некоторых топонимов, использованных в произведении писателя «Коракалпокнома». На основе примеров показано значение топонимов в данной работе с точки зрения лингвопоэтики и лингвокультурологии.

## КИРИШ

Маълумки, муайян тилдаги ономастик бирликлар шу тилда сўзлашувчи халқнинг тарихи, маданияти, урф-одатлари, адабиёти билан даҳлдор жиҳатларни намоён этувчи бирликлар хисобланади. Хусусан, “бадиий адабиётда қўлланган номлар ижодкорнинг бадиий-эстетик қарашларини намоён этиб, турли поэтик вазифаларда қўлланиши мумкин.” Ўзбек тилшунослигига лингвопоэтика бўйича амалга оширилган тадқиқотларда бу масала бир қадар ёритилган. Тилшунос Д.Анданиязова мазкур масалада жиддий тадқиқот амалга оширган. [1] Бироқ бир тадқиқот билан мазкур масалани ҳал қилинган деб бўлмайди. “Маълумки, ўзини ўраб турган ташқи оламни ва унда юз берувчи ҳодисалар сабабини билишга қизиққан ибтидоий одам уни образли тасаввур қилган. Натижада ҳиссий образлар сифатида мифологик образлар пайдо бўлган. Мифологик образлар барча халқларнинг тилида мавжуддир ва ҳар бир халқнинг миллий, маданий тушунчалари асосида кодлаштирилган. Мифонимларни метафоризациялаш воситасида кўпинча мифопоэтонимлар ҳосил бўлади ва инсоннинг турли кечинмаларини бадиий ифодалашга хизмат қиласди.” [2]

## АСОСИЙ ҚИСМ

Мутахассислар фикрича, ономастик бирликлардан поэтик мақсадларда фойдаланиш мумтоз адабиётимизда анъанага айланган. Бу жараён бугунги кунда ҳам давом этиб, адабиётимиз тарихида қўлланган Боги Эрам, жоми Жам, Искандар, Каъба, Лайли, Мажнун, Масих, Одам Ато, Фарҳод, Ширин, Ҳотам каби номлар замонавий адабий асарларда ҳам қўлланиб келмоқда. Умуман, ўзбек бадиий адабиётида қўлланган номлар бутун бир силсилани ташкил этади. Уларнинг шаклланиш тарихи, лингвопоэтик хусусиятлари, ўзбек лингвомаданиятида тутган ўрни каби масалалар тилшунослигимизда маҳсус тадқиқотни тақозо этувчи долзарб масалалардан биридир. [3]

Адаб ёзувчининг залворли миссияси хақида сўз юритар экан шундай принципиал аъмолни тилга келтиради: “Она юртингга, она халқингга қандай кўз билан қараш керак – энг муҳими мана шу! Буюк ёзувчиларнинг сезгирилиги, интуицияси, ноёб истеъдоди, бутун

кудрати, аввало, шунда бўлса керакки, улар жузъий бир воқеада бутун жамият аҳамиятига молик моҳиятни кўра олади.” Унинг она юрти ва халқига, урф-одатлари ва қадрияtlарига муҳаббати шу қадар баландки, ҳар бир асарида улар билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларнинг энг майда деталларигача тасвирлашга харакат қиласди. Айниқса, халқ тилидан кўймайдиган, такрорлашдан буюк бир завқ ва ҳузур түядиган мифлар, ривоят ва афсоналарни худди реал тарихий воқеадек асар сюжети қатларига сингдириб юборади. Ана шундай ҳолатларни кўпроқ асарда қўлланилган жой номлари тасвирида кузатишимииз мумкин.

Тўлепберген Қаинбергенов ўзининг ярим асрдан зиёд давом этган ёзувчилик фаолияти давомида катта ва сермазмун ижод йўлини босиб ўтди. Ўз асарларида қорақалпоқ халқининг тарихи, бугунги ҳаёти, миллий қадрият ва анъаналарини юксак маҳорат билан тараннум этди. Унинг қаламига мансуб “Раҳмат, муаллим”, “Совуқ бир томчи”, “Котиб”, “Қорақалпоқ қизи”, “Маманбий афсонаси”, “Бахтсизлар”, “Гумроҳлар” сингари қисса ва романлар, “Қорақалпоқ достони” трилогияси адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллади. Бу асарларнинг аксарияти жаҳондаги қўплаб тилларга таржима қилиниб, бир қатор нуфузли адабий мукофотларга сазовор бўлган эди. Жонкуяр адибнинг кейинги йилларда эълон қилинган публицистик чиқишларида мустақиллигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, қорақалпоқ заминида амалга оширилаётган улкан ўзгариш ва янгиланишлар жараёнини акс эттириш, бағрикенг халқимизнинг бунёдкорлик меҳнатини улуғлаш, Орол муаммосига жамоатчилик эътиборини қаратиш мавзулари алоҳида ўрин эгаллади.

Ёзувчи асарлари ичida “Қорақалпоқнома” алоҳида аҳамиятга эга асар. Унда муаллиф шахси ва унинг бадиий олами бирмунча реалистик планда намоён бўлади. Китобхон асарни ўқиши жараёнида муаллиф билан бирга қорақалпоқ элининг тарихи, анъаналари, орзу-умидлари оламига сайд қиласди. Асарда муаллиф позицияси шу қадар қизиқ ва мураккабки, баъзан муаллиф билан бирга суҳбат қурасиз, баъзан у ўзи билан ўзи суҳбат қурари сиз кузатасиз. Баъзан эса асар қаҳрамонлари ва воқеа-ҳодисалари ичida муаллифни бутунлай унутиб қўясиз.

“Қорақалпоқ еридан бир кафт тупроқ олиб, ҳидласангиз, ундан қон иси анқийди. У “Борса келмас”да йўл тополмай адашиб, бир-бири билан ғажишиб ўлган ҳайвонлар қони эмас, одам қонининг иси. Истаган ерга белкурак урсангиз, белкурагингиз нимагадир шақирлаб тегади. Бу шақирлаётган тош эмас, ўлган ҳайвонларнинг суюги ҳам эмас, одамнинг суюги, “Борса келмас”ни гуллатиб яшнатиш йўлида жонини тиккан боболарнинг суюги. Туғилган ерига тўкилган кўз ёшларини қуритиш йўлида серзахмат меҳнатда жон таслим килган авлодларнинг суюги! Она юртни ташки душмандан химоя қилиш мақсадидаги қўпгина қонли олишувлар туфайли бехисоб жойларнинг “Қумбосган”,

“Қизкетган”, “Болашаҳид”, “Қўйқирқилған”, “Маслаҳаттепа”, “Қонли кўл”, “Ўтеш ботирнинг қабри”, “Қонли ёп”, “Тупроққалъя”, “Элликқалъя”, “Ёнбошқалъя”, “Нозлимхон сулув” каби минглаб тарихий номлар билан аталиши бежиз эмас! Қатрада қуёш акс этганидек, бу атамаларнинг ҳар қайсиси турли-туман афсонага асос бўлган. Ҳар бир афсона эса, ўзича бир тарих, ўзича достон, бутун бошли бир давр.” Ёзувчи шу тарзда китобхонни тарихий номлар оламига бошлайди. “Маълумки, ўзини ўраб турган ташки оламни ва унда юз берувчи ҳодисалар сабабини билишга қизиқкан ибтидоий одам уни образли тасаввур қилган. Натижада хиссий образлар сифатида мифологик образлар пайдо бўлган. Мифологик образлар барча халқларнинг тилида мавжуддир ва ҳар бир халқнинг миллий, маданий тушунчалари асосида кодлаштирилган. Мифонимларни метафоризациялаш воситасида кўпинча мифопоэтонимлар ҳосил бўлади ва инсоннинг турли кечинмаларини бадиий ифодалашга хизмат қиласди.” [4] Тилшуносликда интертекстуаллик деган тушунча бор. Бадиий матннинг лингвопоэтик таҳлилида ёзувчининг матндаги мазмунни ифодалашдан қўзлаган мақсадини ҳам назарда тутиш фойдадан холи бўлмайди. Айни пайтда бадиий матннинг яхлит структурасидаги муайян қисмлар ўртасидаги муносабат масаласи ҳам алоҳида диққатга молиқдир. [5] Бадиий матннинг таркибланишини тадқиқ этишдаги муҳим нуқталардан бири интертекстуаллик масаласидир. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, интертекстуаллик тушунчасининг филология илмида пайдо бўлишига рус олими М.М.Бахтиннинг 1924 йилда нашр этилган “Бадиий сўз ижодиётида мазмун, материал ва шакл муаммоси” номли иши туртки берган, олим бу тадқиқотида адабиётнинг мавжудлик диалектикасини тавсифлар экан, ижодкор тасвиirlанаётган воқеликдан ташқари ўтмиш адабиёти ва ўзига замондош бўлган адабиёт билан ҳам иш кўришини, бу адабиётлар билан у доимий “мулоқот”да бўлишини қайд этади. Ана шу ишга асосланган ва ундаги фикрларни янгича талқин этган ҳолда постструктурализм назариётчиси француз Юлия Кристева 1967 йилда бу тушунчани фанга олиб кирган. [6]

Тўлепберген Қаипбергенов асарларида ҳам ана шундай лингвопоэтик механизмдан кенг фойдаланилганлигини кўришимиз мумкин. Муаллиф матн ичига бошқа бир матнни олиб киришда асосий масъулиятни учинчи шахсларга юклайди. Учинчи шахслар одатда “қариялар” бўлади: “Маҳаллий атамалар ҳақида қарияларнинг гурунгларидан. Қумбосганинг нега “Қумбосган” деб аталиши ҳақидаги афсоналардан бирини эшитинг” дея китобхонни айтилажак ривоятга тайёрлайди. Сўнг ривоят ёки афсонани реал тарихий воқеадек батафсил тасвиirlайди: Қадим замонларда бир доно дунёдан кўз юмиш олдидан Ҳасан-Хусан ўғилларини ёнига чақириб гап бошлабди:

- Болаларим, ўзларингизга маълум, ҳар қайси бир таноблик икки бўлак еrim бор. Бир бўлаги унумдор, иккинчи бўлаги шўрхок. Икковингга ҳар бўлакдан яrim таноб-яrim

танобдан беришим ҳам мумкин эди. Бироқ мен бундай қилмоқчимасман. Сабаби, икковларингиз вақтида бир қоринга сифган бўлсаларингиз ҳам, бу кенг дунёда тинч-тотув, қўшни бўлиб, бир ерда яшай олмайсизлар. Буни мен одамларнинг қисматларида кўп кўрдим. Шунинг учун ҳар бирингиз алоҳида бир бўлагига эга бўлинг. Шўрхок тарафи кимнинг чекига тушса, мен унга бутун мол-дунёмни қўшиб мерос қолдираман. Чунки шўрхок ерни эпақага келтириш учун кўп куч керак. Бу оқилона тақсимотга болалари дарров рози бўлишибди. Шунда ҳам отаси уларни норози қилмаслик учун чек ташлабди. Ҳасанг унумдор бир таноб ер, Ҳусанг шўрхок бир таноб ер билан бирга мол-дунё мерос тегибди. Эгизаклар чекига тушганидан қувона-қувона, алоҳида алоҳида уй бўлиб яшай бошлибдилар. Ҳусан ўзига теккан шўрхок ерни эпақага келтириш ўрнига отасидан қолган мол-дунёнинг кучи билан айш-ишратга муккасидан кетибди. Кўп ўтмай бор буд-шудини совуриб тамомлабди. Энди у акаси Ҳасандан ёрдам сўрашга мажбур бўлибди. Ҳасан унинг илтимосига бир марта хўп депти, икки марта хўп депти, уч марта хўп депти. Ахири аччиғи чиқиб:

- Ерни эпақага келтириш ўрнига ҳамма пулингни айш-ишратга сарфлаб битирдинг, энди сенга ҳеч нарса бермайман, - дебди.

Ҳусан акасидан хафа бўлиб кетибди-да, собиқ улфатларини чақириб, улар билан бирга уйининг қошига қум ташишга тушибди. Анча кун ташибди. Каттакон уюм ҳосил бўлибди. Бир оқшом Ҳусаннинг уйидан Ҳасаннинг уйи тарафига қараб кучли довул турибди. Ҳусан фурсатдан фойдаланиб, тезда улфатларини чақирибди-ю, қум уюмини осмонга тўзғитаверибди. Туни билан тўзғитибди. Эрталаб қарасалар, Ҳасаннинг унумдор даласини ёппасига қум босиб қолибди.

“Қумбосган” топонимининг маъносини изоҳлашга хизмат қилувчи ривоят баён қилингач, муаллиф қаҳрамон тилидан хulosасини очиқлади: “Қумбосган” деган ном мана шундан қолган экан. Қорақалпоғистоннинг бир ери шўрхок, бир ери қумлоқлиги ўша Ҳасан-Ҳусан авлодларининг бир-бирларига ола қарашлари сабабли экан-да!..”

Ёки жой номи билан боғлиқ бир афсона матн ичига интерматн бўлиб киради. Шу зайлда, оғзаки нутқ доирасида ҳаётини давом эттираётган матн ёзма матнга муайян вазифа билан киритилади ва афсонанинг умри бақога даҳлдор ҳолга келтирилади:

-Нукус шаҳрининг қоқ ўртасидан кесиб ўтадиган Қизкетган сойининг номи нима учун “Қизкетган” деб аталиши ҳақидаги кўпдан-кўп афсоналардан мен ҳам биттасини айтиб бермоқчиман, эшитинглар: Амударё бир пайтлар “Жайхун деб аташган. Жайхун дарёсидан бир ярим чақирим олисда жойлашган кичкина бир овул дарёдан қовоқда сув ташиб экинини суғорар экан. Бу овулдаги бир бева аёлнинг юzlари ойдек, соchlари тундек, қошлари қундуздек ниҳоятда сулув Ойша исмли бир қизи бор экан. Ойша овулдошларини

мушкул ахволдан қутқариш мақсадида бир куни күчага чиқиб: “Кимда ким Жайхундан овулгача ариқ қазишга бел боғласа, мен ўша одамни севаман” дея жар солибди.

-Бир йигит қазиб битказа олмайди-ки, -дейишибди овул одамлари. Нечта йигит қазишга чиқса, ҳаммасини сувераман !-дебди киз.

Одамлар Ойшанинг бу гапларини нотўғри тушуниб, уни овулдан қувиб юборибдилар. Киз овулдан бош олиб кетганча, бошқа овуллардаги ёш йигитни йигиб, қазувни бошлаб юборибди. Ариқ қазилиб, овулига сув келган куни қиз ариқ ёқасига чиқиб:

-Йигитлар, мен възданга вафо қилиб, барчангизни баравар севаман, сизларга бундан кейин ҳам руҳан мадад бўламан! - дея ҳайқириб, тошқин сойга ўзини отибди...

Халқ ана шу янги сойга “Қизкетган” деб ном қўйибди.

Асарда интертекстларнинг асосий матнга олиб кирилиши ва мувофиқлашишини таъминлашда қаҳрамон нутқидан ҳам кенг фойдаланилади:

-Мен бўлсанм сизларга “Болашаҳид” ҳақида айтиб бермоқчиман: бир ота-бир онадан туғилган Ҳасан билан Ҳусаннинг авлодлари йиллар ўтиб, ўзларидан қўпайиб, нақ икки овул бўлибди. Бобокалонлари битта бўлгани билан, ҳар бирида ўзича урф-одатлар, дунёқарашу фикрлашлар тарзи шаклланиб, бу икки овул ўртасидаги тафовутлар зиддиятларга айланибди. Уларнинг ҳар бирида худбинона, ёвуз ниятлар уйғонибди. Бир йили Ҳасаннинг авлодида болалар жуда кўп туғилиб, чорак асрдан кейин овул учун жой торлик қилиб қолиши мумкинлиги уларни ўйлантириб қўйибди. Бу ташвишли ўйлар қўшни овулга ҳам маълум бўлиб, улар чорак асрдан кейин Ҳасаннинг овули тарафидан келиш эҳтимоли бўлган хавф-хатарнинг олдини олиш учун турли-туман хийла-найранглар ўйлаб топиш ҳаракатига тушибдилар. Ахири бир туллак бийни қўшни овулга элчи қилиб жўнатибдиларда, уларнинг болаларини тарбиялаб беришга хоҳиш билдирибдилар. Овул одамлари болаларнинг ўз ота-оналарини унутиб юборишлиаридан қўрқиб, бу таклифни рад қилишибди. Шунда элчи бўлиб келган бий ўз тарбияларига олмоқчи бўлаётган болаларнинг рўйхатини тузиб, уларнинг ҳар бири учун тилхат беражакларини, керак бўлса, қачон ота-оналарини қўришни истасалар, овул дарвозаси очиқ туражаклигини маълум қилишибди. Хуллас, уларни ишонтиришиб, болаларни ўз тарбияларига олишибди... Орадан бир ой ўтар-ўтмас, кўпчилик ота-оналар ўз болаларини қўриш учун келсалар, биттасиям йўқ эмиш.

-Болаларимиз қани? - деб сўрашибди улар, бош бийнинг ҳузурига кириб.

У ота-оналарни янги қабристонга бошлаб борибди.

-Бу қанақа қабристон? –деб сўрашибди ота-оналар, юраклари увишиб.

Йигирма беш йилдан кейин овулмиз бошига ёғиладиган хавф-хатарнинг олдини олиб, мана шу ерда болаларингизни шахид қилдик, - дебди бий.

Ота-оналарнинг фифони фалакка чиқиб, бийга ташланибдилар. Унинг гўштини нимтанимта қилиб, қабристонга сочиб ташлабдилар. Бари бир бу билан ҳеч ким аламдан чиқолмабди, ҳеч нима ўзгармабди. Ўша қабристон эса “Болашаҳид” деб атала бошланибди.

Ривоят тугагач, муаллиф “қиссадан хисса”ни шу тарзда тилга келтиради: “Ўша ёвуз одамлар бизнинг боболаримизмасмикин? Оз сонли бўлиб қолганимизга сабаб-бундай ёмон иллатларнинг юқумли ирсий касалликдек насл суришидан бўлса ажаб эмас!” Китобхон бундай таъсирчан ривоят ва ундан чиқариладиган хулосалардан воқеа-ходисаларга нисбатан муносабатини ойдинлаштириб олади.

Асарнинг бошқа бир жойида “Қўй қирилган” топоними билан боғлиқ афсона келтирилади: “Қўй қирилган” номининг келиб чиқиши ҳақида мен шундай афсона эшитганман. Ҳасан-Хусанга ўхшаб, бир ота-онадан туғилган икки ўғилнинг авлодлари ўсиб-униб, гуркираб турган икки элат бўлиб яшаётган йилларда, бир овулга нариги овулнинг даласи ўта ҳосилдор кўриниб, уни қўлга киритиш йўлларини ахтаришга тушибди. Шу мақсадда бегона юртлардан қурол-аслаҳа келтирибди-да, элатдошларининг овулини куршовга олибди. Куршовда қолган овул одамлари аҳволининг танглигини сезиб: “Ҳамма ҳомиладор аёлларни, демакки, наслимизни омон сақлаб қолишнинг ягона йўли шу” деб жамики қўйларни бир чеккадан бўғизлабдилар. Иккиқат аёлларнинг устига қўй терисини ёпиб, овулдан бирин-кетин чиқариб юбораверибдилар. Теваракдан пайт пойлаб турган қуролли навкарлар тизилишиб келаётган “қўйлар”ни бирин-кетин отиб ўлдираверибдилар. “Қўй қирилган” деган ном ана шундан қолганмиш.

Муаллиф бу афсонадан сўнг фожия мусаббиби ҳақида ўйлаб, ўзича чиқарган хукмини баён қиласи. “Бугун ўзимча шундай тусмол қиласанки, иккиқат аёлларни қўй териси остида куршовдан қутқаришни маслаҳат берган одам қўшни овулнинг айғоқчиси бўлса керак.” Бу тарздаги хулоса масаланинг моҳиятини чуқур ўйлаш, сабабчиларни узоқдан эмас, яқин-атрофдан қидириш кераклиги ҳақида муаллифнинг китобхонга маслаҳатидир.

## ХУЛОСА

Мутахассислар фикрича, муайян матнда қўлланган ном замирида катта ҳажмдаги матнорти билимлари туради. Шунинг учун номлар интертекстуал матнда аллюзия кўрсаткичи сифатида кўп қўлланиб, муайян адабий ёки ижтимоий-тарихий фактга ишора қиласи. Ўқувчи бу каби номларга доир қомусий маълумотга эга бўлмаса, мазкур ном қандай лингвопоэтик мақсадда қўлланганини ҳам англаши мушкул. [7] “Қорақалпоқнома”да ана шундай матнорти билимлар асосан, афсона ва ривоятлар шаклида изоҳланади. Бадиий матндаги бундай катта ҳажмли мифик матн билан идрок этиладиган топонимлар мифотопонимлар деб аталади. Айтиш лозимки, манбаларда мифотопоним термини уч маънода қўлланилганлиги кузатилади: 1. Муайян миф билан боғлиқ ҳолда идрок

этиладиган реал топоним. 2. Маълум бир халқ мифологиясида мавжуд бўлган топоним. 3. Бадиий матнда муаллифнинг индивидуал хаёл маҳсали бўлган афсонавий жой номи. Бадиият масаласига алоқадорликда (мифга боғланмаган ҳолда) текширилгандা *топоэтонимлар* тарзида кўллаш кузатилади. Тўлепберген Қаипбергеновнинг “Қорақалпоқнома” асарида бундай топоэтонимлар талайгина ва уларни лингвопоэтик тадқиқ тамойиллари асосида ўрганиш тилишунослик, фольклор, адабиётшунослик, этнография, лингвомаданиятшунослик, лингвоконтактология ва лингвопоэтика каби тадқиқот соҳалари учун бирдек муҳим.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Анданиязова Д.Р. Бадиий матнда ономастик бирликлар лингво-поэтикаси: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). – Тошкент., 2017.
2. Нуруллаева С. Давр воқеликларининг мифологик образлар воситасида ифодаланиши. НамДУ илмий ахборотномаси - Научный вестник НамГУ, 2020 йил, 6-сон.
3. Худойберганова Д., Анданиязова Д. Ўзбек тили поэтонимларининг изоҳли лугати. Тошкент: Фан, 2016.
4. Нуруллаева С. Ўша асар. – Б.174.
5. Юлдашев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2019.
6. Кураш С.Б. Усложнённое кодирование образной информации как аспект филологического анализа художественного текста. – Мозырь: УО “МГПУ”, 2003.
7. Худойберганова Д., Анданиязова Д. Ўша асар. – Б.5.
8. Yuldashev M. Özbek Edebi Metinler Antolojisi. Ege Üniversitesi Yayınları. Edebiyat Fakültesi Yayın No: 185. 2013. ISBN: 978-605-338-040-5.
9. Yuldashev M. Synonymic Words in Abdulhamid Sulaymon Cho‘lpon’s Works. The International journal of analytical and experimental modal analysis. ISSN No:0886-9367. Volume XII, Issue VI, June/2020. Page No: 1732-1739.